

Адолат чироғи, ҳақиқат нури

ҳар доим, ҳар ишда, жумладан, фермерларга ер ажратишда устувор бўлсин

Андижон вилояти марказидан шарқ томонда, 70 километр узоқликда "Дардок" деган қадимий қишлоқ бор. Ана шу қишлоқлик тадбиркор Алижон Аҳмедов суҳбатдаги "Оқсув" фермер хўжалигининг сутни қайта ишлаш корхонасида тайёрланаётган маҳсулотларни, бир неча йилдирки, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси куриб харид қилмоқда.

Жорий йилнинг ўзига тадбиркор авиакомпания буюртмасига биноан 50 тонна пишлок етказиб берилди. Очиги, Алижон Аҳмедов бундан 15 йил олдин қишлоғида шундай корхона қуришни, ўз маҳсулотининг дунёнинг турли томонларига унаётган нозиктаб йўловчиларга манзур бўлишини хаёлига келтирмаганлиги айни ҳақиқат.

Мамлакатимизда хуррият шамоли эсгандан сўнг Алижон Аҳмедов фермер бўлишни орзу қилди. Орзусига эришиш учун елди, югурди. У ер олиш чоғида хўжаликдаги энг чекка жойга ишқибоз чиқди. Бўлажак фермер дардокликлар тўқай деб атайдиган далаларни беҳиз танламасди. Чунки Андижонда "анъанавий" жавоб тайёр эди — "аҳоли тўқ, ер оз". Ҳа, вақтларда тўқайзорда пахта ҳосилдорлиги 15-18, галла эса 20-25 центнердан ошмасди, экин қаддини ростлагунча далаларни қамиш босиб кетарди. Алижон Аҳмедовнинг айнан шундай далани танлаши маҳаллий раҳбарларга шу қадар хуш ёқдики, "Мана энди томошагини кўрамиз", дейишгандек ер ажратишга бажонидил рози бўлишди.

Дастлаб қорвачиликка асос солинди. Банкдан олинган илк кредитга Болтиқбўйи давлатидан зотли гунажинлар келтирилди. Ерни ер қилиш учун ўзи ҳам, ака-укалари ҳам тиним билишмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай сирғилар подаси пайдо бўлди. Экинган озуқа экинларнинг ҳосилдорлиги амалда фаолият юритаётган хўжаликдагига нисбатан 3 баробарга кўпайди. Сут соғиб олиш кунига 1 тоннага чиқди. Ана шундан сўнг Алижон Аҳмедов сутни шу ернинг ўзига қайта ишлаш зарур эканлигини англади. Бу борадаги бизнес режасини ишлаб чиқиб, тегишли идораларга мурожаат қилди ва валаютада кредит олишга эришди. Замонавий ускуналар ўрнатди. Шу тариха сутни қайта ишлаш корхонасини ишга туширди. Натيجада, етиштираётган сутни 70 километр нарига етказиб беришдек оғир вазифадан кутулди.

Биласиз, қишлоқ одамларининг хонадонларини сирғисиз тасаввур этиш қийин. Ҳар бирда, озми-кўпми, қорамол бор. Ҳа, қўнлар бичир-кетин ҳамқишлоқлари фермернинг олдига келишиб, эҳтиётдан ортаётган сутни сотиб олишини сўрай бошладилар. Қарабсизки, кунлик сутни қайта ишлаш даражаси 5 тоннага чиқди. Энг замонавий технологияда қадоқланаётган маҳсулотлар эса ўз харидорларини кутиб қолмади. Орадан 2-3 йил утун фермернинг ишлари гуллаётганини, бирга ишлаётган ҳамқишлоқларининг манфаатдорлиги ортаётганини ойлик-билиб турган тўқайзор-

ой 100 минг сўмдан кам эмас! Алижон Аҳмедовнинг димоғи чоғ. У ўз қишлоғида сафдошлари кўпайганидан ва уларнинг аксарияти эрта-индин катта мулкдор бўлиб кетишларидан хурсанд эканлигини айтирмайди.

— Ширкат хўжалигимиз тугатилган кунда бир рақам кўлигимга қалинб қолди, — дейди у. — Кредитор қарздорлик 1 миллиард 546 миллион сўм экан. Бу айтишгагина осон. Нега хўжалик бундай холга келиб қолди? Сабаби, ширкат "кўпчиликини". Кўпчилик "Менга нима, сenga нима?" қабилида фикрлашга ўтиб олган. Фермер эса ҳосилни кўпайтириб, даромадини кўтариш мақсадида меҳнат қилди. Бунинг учун, аввало, тежамкорликка эътибор берди. Президентимиз андижонликлар ҳақида тўқинлашиб гапирдилар, бу арлик инсонларга юсак баҳо бердилар. Бу бор гап. Ер ана шундай ҳақиқий эгасини топса, одамлар тезда бой бўлиб кетишди, андижонликларнинг ҳаракатларида бунинг нишониси аққол кўриниб турибди.

Алижон Аҳмедов билан шу хусусдаги суҳбатимиз анча маҳаллача давом этди. Билишимизча, 2005 йилда "Дардок" ширкат хўжалигида ишлаётганларнинг ҳар бирига ақали бир қопдан дон тегамаган. Пахта тайёрлаш режаси 70 фоиздан ошган, холос. Тайёрланган ҳосилнинг 32 фоизи 4-5 наваларга мансуб бўлган. Ширкат қўрган зарар эса бир неча юз миллионларга етган. Алижон ака сингарни ер олиб, фермерлик эгарига минган "Дардок"лик 50 дан зиёд фермернинг эришган натижалари ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Бир 10 миллион сўм фойда кўрмган деса, бошқаси 20-30 миллионни кўзлаб турибди.

Холдор Йўлдошев ҳам ана шундай фермерлардан бири. У 70 ёшга қарашда ишлаб, бири икки бўлмаган. 49 гектар ерга эгалик қилган Холдор отанинг галласи чунон эъри бўлдики, бирга ишлаётганларга 25 тонна дон берди. 20 тоннасини ҳовлисига туширди. Пахтаси 100 фоиз бичирини навага сотилди. Икки соҳиҳан олаётган фойдаси 15 миллион сўм атрофида бўла-япти.

— Худого шукр, Президентимизга минг бор қулук, бизга ўшаганларнинг ҳам елкасига офтоб тегадиган замоналар бор экан, — деди Холдор Йўлдошев. — Алижон Аҳмедовнинг ишларига ҳавас қилиб келганимиз. Ерлик бўлган, ишга шўғилб кетдик. Уғит, ёқилги дала бошида. Банкка борсанг, кредит жойида хал бўлади. Таваккалчилик қилдимми, билмасдик. Ҳа бошида урулгик картошка оламан, деб банкдан салкам 41 миллион сўм кредит сўрабман. Улар хўп дейишди. Теъдда урулгик сотиб олиб, 10 гектар ерга эқдим. Шундан бери ҳамқишлоқларим мени "бой ота" дейишди.

Бугун Холдор Йўлдошев дардоклик бой отага айланганини раст. Картошка ҳосили шу қадар мўл бўлибдики, унинг нақадар сифатли эканлигини кўриб сиз ҳам лол қоласиз. (Давоми 2-бетда)

Бугун XV Осие ўйинлари бошланади



Бугун Қатар пойтахти Доха шаҳрида XV Осие ўйинлари бошланади. Қитъанинг нуфузли мусобақасида спортнинг бокс, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, карата, бадийи ва спорт гимнастикаси, сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, теннис, стол тенниси, велоспорт, оғир атлетика, енгил атлетика, таэквандо, баскетбол (эркаклар), футбол, сув полоси, қилч-бозлик, ўқ отиш каби турларида 246 нафар ҳамюртимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Қатарга жўнаб кетишдан олдин Ўзбекистон делегацияси вакиллари "Мустақиллик ва эзгулик монументи" пойига гулчамбар қўйишди.

СУРАТЛАРДА: гул қўйиш маросимидан лаҳза. Сарвар УРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2006 йил 30 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесида рўйхатга олинди.

Ресурслардан самарали фойдаланишга бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси 2006 йил 24 ноябрь куни Жиззах вилоятида ташкил этган "Айдар-Арносов кўлларида самарали фойдаланиш — экологик барқарор тараққиёт гарови" мавзусидаги давра суҳбати Айдар-Арносов кўлларида сув ва балик ресурсларидан, шунингдек, экотуризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланди.

Майдони 2175 кв. км.ни ташкил этадиган Айдар-Арносов кўллари тизими Арносов, Айдар, Тўзқон кўллари қўшилиб кетиши натижасида вужудга келган. У экологик шакллантиришда катта роль ўйнамоқда ва ушбу минтақанинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўринга эга.

Мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилаётган экологик сиёсат тўғрисида Айдар-Арносов кўллари тизимида катта ўзгаришлар юз бериб, янги экотуризм вужудга келди. Унинг ижобий томонлари минераллаштириш даражасининг пайсаси, майда баликлар урчиганлиги, планктон кўпайиши ва сув паррандалари ҳамда ҳайвонлар учун озуқа муҳити ўсишига ёрдам бераётган кичик-кичик, саёзроқ кўللар пайдо бўлганидан иборатдир. Кўллари соҳил бўйлари ёввойи ўрдак ва фозлар учун уялаш жойига айланди. Қамишзор-

лаштириш, уларни мониторинг қилиш хизматини ташкил этиш, гидротехник суви олиш иншоотларини балиқчи муҳофаза қилувчи қурилмалар билан жиҳозлаш, мелiorация ишларини режа асосида амалга ошириш, браконьерликка қарши курашни кучайтириш, балик овлаш ва уни урчиштириш зарур мувозаанатига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш, минтақанинг фақат биологик эмас, балки экотуризм салоҳиятидан ҳам самарали фойдаланиш ҳақида аниқ тақлифлар киритилди.

Давра суҳбати ишида Сенат аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Жиззах ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Муҳокама аяқларни бўйича амалий аҳамиятга эга бўлган аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Онажоним — табиат

Дилар. Суҳбат иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган Арносов сув омборида дамбалар қуриш, қирғоқларни мустақамлаш сингари тадбирларни ўз ичига оладиган комплекс Дастур муваффақиятли амалга оширилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Барча балиқчилик хўжаликларининг сув ҳавзаларини паспорт-

«Қишлоқ ҳаёти» газетасига 2007 йил учун обуна бўлдингизми?

Газета нашр кўрсаткичи - 144

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Муштарак мақсадлар йўлида

раллаштириш билан боғлиқ аниқ вазифаларни белгилашни ўз зиммасига олгани боис, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муносабатларни эркинлаштириш учун улкан имкониятлар яратилган. Тараққиёт қафолати сифатида сўз эркинлиги, сиёсий ва иқтисодий эркинликларга кенг йўл очилди. Натيجада, давлат ва жамият ҳаётида гоянда муҳим аҳамият касб этувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар фаоллашуви учун барча шароитлар вужудга келди.

Узбекистон Республикаси

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ — AVTODOM PLUS

«ГАЗ» русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарилган фургонали, 6-15 ўринлиқли микроавтобуслари сотади.

Ҳақ тўлаш инсталланган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Теъзор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

YETTI-YOLIMDAN BIR SHINGIL

Руаял хоним асосий номзодлардан

Франция тарихида илк бор давлат раҳбари лавозимига аёл киши сайланиши мумкин.



Социалистлар партиясидан номзоди илгари сурилган 53 йшли Сеголен Руаял...

Меҳмонхонадаги хунрезлик

Афғонистон жанубий-шарқидagi Пактика вилоятида муҳдис кўпурвчилик содир этилди.

Вилоятдаги меҳмонхоналардан бирининг ресторанига бостириб кирган террорчи-камикадзе ўзини портлатиб юборган...

Аэропортдаги ҳалокат

Эроннинг марказий Меҳробод аэропортидан ҳавога кўтарилган АН-27 самолёти ҳалокатга учради.

Самолёт "Исроил инқилоби гвардияси"нинг ҳаво кўчарига тегишли бўлиб, унинг бортида 30 нафар ҳарбий ва 8 нафар экипаж аъзоси бўлган...

Берлускони саҳнадан тушди

Италиянинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони Монтекатини шаҳрида ёшлар олдига чиқиш қилаётганда саҳнадан қўлаб тушди.

Тўғридан-тўғри эфир орқали олиб берилаётган бу учрашувда ёшларга нутқ сўзлаётган Берлускони ўзини ёмон ҳис қила бошлаган ва мувозанатини йўқотиб, йиқилиб тушган...

Ҳазода тинчлик келишуви

Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт фаластинлик жангариларнинг охирига ҳаракатини қоралаб чиқди.

Яқшанба кўни тонгда Исроил ва Фаластин ўртасида ўт очишларни тўхтатиш ҳамда тинчлик йўлидаги келишув кучга кирган эди...

"Қуролсевар"лар шаҳарчаси

Лос-Анжелоснинг Комpton шаҳарчаси маъмурияти аҳоли қўлидаги ўқотар қуролларни қайтариб олишни янги усулни ўйлаб топди.

Хар бир топширилган қурол учун 50 долларлик сертификат берилади. Бу сертификатлар эгаси ҳар ойда фойда олиши ёки уни харид вақтида ишлаштириши мумкин бўлади...

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 28 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юретиши, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгиледи:

Table with 3 columns: Currency, Rate, and another column. Includes entries for AUD, GBP, NZD, etc.

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмуриятлари ўша кўнунда сотиш ёки олиш мажбуриятини олмага.

(Боши 1-бетда)

Ҳосилни йиғиштириб олиш энди ярмига етди. Ҳосилдорлик 270-280 центнердан мўлжалланапти. Келинг, бармоғимиз билан бўлса ҳам ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик...

1997 йили югур-югур билан 10 гектар ер олган эдим, - деди "Азизбек-97" фермер хўжалиги раҳбари Назиржон Буваев.

Шу хўжалик ўраида жойлашган "Деҳқон Хошим ота" фермер хўжалигида эса ушбу қўрсаткичлар тегишли равишда 205 минг ва 158,1 минг сўмдан тўғри келган.

Анджонлик деҳқонларнинг ҳам бошқа вилоятлардаги ҳаммаслаблари каби аллақачон фермер бўлишларига ҳақлари бор эди.

Муштарақ мақсадлар йўлида

хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, мамлакат иқтисодиётида унинг салмоғи кўпайишини таъминлаш, тадбиркорлик учун янада кенг қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш...

Эртанги кун кафолати

Агар халққаро ҳаётни, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб борсангиз, фикр-мулоҳаза уйғотадиган тўғуллар сизга тинчлик бермайди.

Бунди, айтилайлик, Украинада юз берган "рангли инқилоб" оқибати ҳам қўрсатди. Бир пайтлар Украинага ҳамма ҳавас қиларди.

Умуман олганда, турли инқилоблар, қарама-қаршиликлар, сиёсий зиддиятлар, бошбошдоқликлар, ҳокимият учун курашлар ҳеч қачон Ватан ва халқ бирлигига ҳизмат қилмайди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари, депутатлари маъмурият мазкур лойиҳалар мазмун-моҳиятини, авваламбор, ЎзЛиДеП электротиригари ва тарafdорлари, қолаверса, барча аҳолига етказиш учун кенг тарғибот ҳамда ташвиқот ишларини амалга ошириб боради.

Зухур НИЁЗОВ, ЎзЛиДеП Самарқанд вилоят Кенгаши раиси ўринбосари.

Адолат чироғи, ҳақиқат нури

ҳар доим, ҳар ишда, жумладан, фермерларга ер ажратишда устувор бўлсин

ларни эса даласидан бездирмаган бўларди. 11 ноябрь кўни Олтинқў, Анджон, Жалақудук туманларида туғатилаётган ширкат хўжалиқларининг бош пудратчилари, илгор фермерлар иштирокида мулоқотлар бўлиб ўтди.

Мен бошқа вилоятлардаги ҳамкасбларимни иш фаолиятини матбуот ва телерадио орқали қузатиб бораман, - дейди Булоқбоши туманидаги "Барлоқ" фермер хўжалиги раҳбари Маъруфжон Абиллов.

Анджон туманидаги "Хатамбек-Машъалбек" фермер хўжалигининг раҳбари Неъматжон Аҳмедов 14 йил давомида фермер бўлган, деб қанчалар сарсон-саргардон юрганлигини, бу йил 39 гектар ер олиб, ҳумордан чиққанлигини лўнда қилиб айтиб берди.

Олган ернинг беш қўлдек билман, - деди у. - Бир йилда 10 йиллар давомида эришилган натижага эришдим. 24 сентябрь кўни 31,5 центнердан ҳосил олиб, шартномани бажардим.

Ҳақимжон ота Қайумов ҳам алоҳида таъкидлаб, Анджонда илхотларнинг умидбахш шабадаси эсаётганлигидан эл-юрт мамнун эканлигини билдириди.

Ошқ, ошқоралик рўҳида ўтган мулоқотларда бефарқликка барҳам бериш, бунинг учун ҳушёрлик, ҳамжиҳатлик зарур эканлиги, бунда раҳбар етакчи бўлиши лозимлиги тақдор-тақдор айтилди.

Анджон вилоят кенгашининг навабдан ташқари сессиясида Президентимиз ва халқ вакиллари томонидан янги раҳбарият зиммасига гоат масъулиятли ва, айни пайтда, шароғли вазифа юклатилди.

Қабиляжон АСКАРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Божхона

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида Бухоро вилояти божхоначилари томонидан божхона чегаралари орқали товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб килирилиши бўйича 896 та ҳолатлар аниқланиб, 335,09 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди.

Панд еган олғирлар...

Яқинда вилоят божхона бошқармасининг "Қизилраш" божхона пости ҳодимлари Тошкент-Нукус йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган "Мерседес-Бенц" русумли йўловчи автобусни тўхтайтиб, текширувдан ўтказишди.

Маъмурият ҳозирда Бухоро вилоят Ромитан тумани суди ҳукми билан қонунбузарга 94000 сўм миқдорда жарима солиниб, далилий ашё сифатида олинган 2500 пахта "LD-LIGHTS" ёзувли фильтри сигаретларни сотиб олиб, Нукус шаҳрига қайта сотиш учун олиб кетаётганлиги аниқланди.

Айнан мана шу ҳаракатдаги божхона пости ҳодимлари томонидан яна бир ҳолатда "ҚамАЗ-5410Т" русумли юк автобуси тўхтайтилиб текширилганда, фуқаро А.Аминов қиймати 1554174 сўмлик 756 метр матоларни ҳамда 53 дона 1,5 литрли баклашкаларда 79,5 литр спирт маҳсулотини Тўртқўл туманига сотиш учун олиб кетаётганлиги аниқланди.

Маъмурият ҳозирда Бухоро вилоят Ромитан тумани суди ҳукми билан фуқаро А.Аминовга 103400 сўм жарима солиниб, далилий ашё сифатида олинган 756 метр матолар давлат фойдасига мусодара этилди ва 79,5 литр спирт маҳсулотлари йўқ қилинди.

Маъмурият ҳозирда Бухоро вилоят Ромитан тумани суди ҳукми билан фуқаро А.Аминовга 103400 сўм жарима солиниб, далилий ашё сифатида олинган 780 литр спирт маҳсулотлари йўқ қилинди.

Маъмурият ҳозирда Бухоро вилоят Ромитан тумани суди ҳукми билан қонунбузарлик қолатини содир этган фуқаро Ж.Мамадиновга 235000 сўм жарима солиниб, далилий ашё сифатида олинган 780 литр спирт маҳсулотлари йўқ қилинди.

Маъмурият ҳозирда Бухоро вилоят Ромитан тумани суди ҳукми билан қонунбузарлик қолатини содир этган фуқаро Ж.Мамадиновга 235000 сўм жарима солиниб, далилий ашё сифатида олинган 780 литр спирт маҳсулотлари йўқ қилинди.



Шохрисабзда Рисолат Муҳаммадиева ташаббуси билан очилган кичик тикув ҳаётида 15 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Ҳозир бу ерда қўлаб турдаги кийим-кечаклар тикилмоқда. СУРАТДА: Рисолат Муҳаммадиева шогирди билан, Б.АКРАМОВ олган сурат.

Эртанги кун кафолати

Маҳаллийчиликнинг илдирига болта уриш учун жаҳонда ягона Ватан, ягона миллат, ягона мақсад тушунчасини шакллантириш ва уни халқнинг онгига синдириш зарур.

Маҳаллийчилик ўта яшовчан иллат. Унинг тулкимижоз қўринишлари ҳар қадамда дуч келсади. Бу иллат тўғрилиқ ва ҳақоратлик, одиллик ва тараққиётга ров. Шунинг учун маҳаллийчиликка Ватан озодлиги ва мустақиллигининг душмани, деб қараш керак.

Биз халқнинг бирлигини таъминлашни ўз олдимиғизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, қонунбузарликнинг ҳар қандай қўринишларига, ўзошимчиликка, тўрачиликка, сансалорликка, одамлар норозилигига сабаб бўладиган ҳар қандай ҳаёт-ҳаракатларга нисбатан қатъиятли ва аёвсиз бўлайлик.

Ҳақиқат бор жойда эзгулик ижобат бўлади. Ҳақиқат бор жойда ҳалоллик, тўғрилиқ, имон-этиқод, бирлик қарор топади. Қўн-қудратимиз эса бирликда. Ҳаётда бир мушт бўлиб бirlашмасдик, бизни тўзатиб иборисиди. Ташқаридан шундай қўнлар бор. Ичқаридан дарз кетмаслиги ва шундай қўнларга қарши қалқон бўлишлик ўзимизга боғлик.

Замонавий

Технология асосида
Шубҳасиз, галлачилликда бугунги эриш
лаётган ижобий натижа
лар мамлакатимизда тар
моқни ривожлантириш
мақсадида йўлга қўйил
ган аниқ тadbирлар са
марасидир.



Самарадорлик сари одимлар

Негаки, истиқлол йилларида юртимизда дон етиштириш ва галла ҳосилдорлигини ошириш борасидаги кенг қўлмали ишлар ҳалқ турмушини фаровонлаштиришга хизмат қилаётди. Бундан эса галла етиштирувчи деҳқон ҳам, тайёрловчи ҳам, истеъмолчи ҳам бирдари манфаатдор бўлаётганлиги айна ҳақиқат.


Бу борадаги ишларга баҳо бераркан, Президентимиз жорий йилда Ўзбекистон галлакорларига йўллаган табригида шундай деган эдилар: "...кишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишни мулқо янғида асосда - бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил этиш, хўсусий мулкни изчил ривожлантириш, шу мақсадда фермерлик ҳаракати кенг йўл очиб бериш, давлат томонидан уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермер ҳўжалиқларига зарур моддий-техник ресурсларни ўз вақтида тўла етказиб бериш, улар етиштирилган маҳсулотни реализация қилишда тегишли кўмак ва имтиёзлар яратиб бериш борасидаги амалий ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этмоқда..."

Дарҳақиқат, мана шундай тadbирларнинг ҳаётдаги амалий жараёни мамлакатимизни галла мустақиллигига олиб чиқди. Ўз донимизга эга бўлди.

Албатта, галламизнинг мўлкўлиги, дастурхонимиз бутунлигида дон маҳсулотлари ақиддорлик жамиятларининг ҳам ўзига хос улушлари бор. "Навойдонмаҳсулот" ақиддорлик жамияти жамоаси шу йўлда астойдил меҳнат қилаётди. Айна пайтда 730 нафар ишчи ва ҳодим ишлаётган жамият вилоятда етиштирилган 81 миңг 400 тонна бугдойни қайта ишлаш қудратига эга.

Агар корхона тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1963 йили завод дастлабки фаолиятини бошлаган эди. 1982 йили эса унда иккинчи тегирмон ишга тўширилди. 1987 йилда биринчи тегирмон қайта таъмирдан чиқарилди. Бугунги кўнга келиб жамият замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Қатор хориж мамлакатларидан олиб келиб ўрнатилган ускуналар ёрдамида иш жараёни жадаллашиб, маҳсулот сифати яхшиланиб бораётди.

"Жамиятимизга "Бюллер" русумли технологияни олиб келганимиздан сўнг иш суръатимиз янада ошди, - дейди биз билан сўҳбатда бош муҳандис Дилмурод Ҳайдаров.



Тўғрироғи, унинг раҳбари Бўстон олинани ишбилармонлиги, тadbиркорлиги, ишининг кўзмини билиши, экинни меҳр билан парваришлаши ҳўжалиқни танитган, дейиш мумкин.

Бугунги кўнда банк хизматининг замонавий турларидан бири бўлиши пластик карточкалардан фойдаланиш оммавийлашиб бораётди. Ушбу филалда ҳам пластик карточкалар муомалага киритилган бўлиб, 31 та ҳўжалик субъектларининг ишчи-хизматчилари билан ойлук иш ҳақларини пластик карточкаларга ўтказиш йўзида шартномалар имзолаган. Уларнинг пул маблағлари пластик карточкаларга тўлик ўтказилди. Ҳозирги вақтда 4280 дона пластик карточкалар муомалага чиқарилган бўлиб, ҳисобот даврида 391836 миңг сўмлик иш ҳақлари пластик карточкалар орқали айланмоқда.

Бугунги кўнда янги иш ўринлари яратиш, тadbиркорликни ривожлантиришда банклар томонидан ажратиладиган кредитлар муҳим аҳамият касб этди. Банк томонидан 3395,1 миллион сўмлик кредитлар тармоқлар бўйича қўйилди.

Мижозларнинг харидордир маҳсулотларга кўчирилган пул маблағлари ва уларнинг банк кассаларига топширилиши қатъий назоратга олинган. Кўчирилган пулларга нисбатан кам нақд пуллар топширган миждозлар тўғрисидаги маълумотлар тегишли солиқ органларига ва прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валюта банк захирасига жўнатилди ҳамда бошқа тижорат банкларига 160 миллион сўм мадд пуллари берилган.

Албатта, эришилган бу ютуқлар ҳалқ ҳўжалиги турли соҳаларининг иқтисодий ривожланишига хизмат қилди. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушувларини банк хазинасига тўлик топширилишини таъминлаш мақсадида 2006 йил учун ҳар ойлук режалар ҳар бир ҳўжалик субъектларига тақсимлаб берилиши натижа-сида белгиланган топшириқлар филал томонидан ортиги билан бажарилишига эришилди.

Мижозларнинг харидордир маҳсулотларга кўчирилган пул маблағлари ва уларнинг банк кассаларига топширилиши қатъий назоратга олинган. Кўчирилган пулларга нисбатан кам нақд пуллар топширган миждозлар тўғрисидаги маълумотлар тегишли солиқ органларига ва прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валюта

фар жисмоний шахсларга 15000 миңг сўм Меҳнат бандлиги ҳисобидан, 6 та жисмоний шахсларга 5160 миңг имтиёзли кредитлаш маҳсул жамғармаси ҳисобидан, 66 та жисмоний шахсларга 56764 миңг сўм банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарорини бажариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Банкнинг асосий миждозлари бўлган кишлоқ ҳўжалиги субъектларига хизмат кўрсатиш асосий хизматлар сирасига қиради. 2006 йилда банк хизмат кўрсатувчи фермер ҳўжалиқларининг биринчи талабига биноан бошқоқчи дон етиштириш учун 119 та фермер ҳўжалигига 114,9 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, бугунги кўнда кредитлар тўлик сўндирилди, 2006 йил пахта ҳосилини етиштириш

ним, фермер, фермерлик ҳаракати бир жойда туриб қолмаслиги керак. У ҳар доим изланишда, интилишда бўлсагина, қўзлаган мақсадларига эриша олади.

Дарҳақиқат, асли мутахассислиги тарихчи-жамиятшунос бу аёлниң ўқини тугатиб, 1982 йилда "Арабсарой" фўқаролар кенгаши, кейинчалик "Навой" ширкат ҳўжалиги бошқаруви раисаси бўлган даврлардаги фаолияти билан танишар эканмиз, биз унинг ушбу ақидига ҳамиша амал қилиб келганлигига гувоҳ бўлди. Негаки, мана шу фидойи, тиниб-тинчимас, доимо қандайдир муаммонинг ечимини қидиришга бел бонлар аёл кўп ўтмай "Зарафшон" ширкат ҳўжалигига раҳбар этиб тайинланди.

Ширкат ҳўжалигининг Зарафшон дарёсига туташ ерлари ниҳоятда зах, катта меҳнат талаб эди. Бундай ердан юқори ҳосил олишининг ўзи оғир. Аммо сўзи билан иши бир, тadbиркор аёл бунинг уддасидан чиқди. Ҳўжалик ишчи-ҳодимларининг барчасини жиғслаштириб, аниқ мақсад учун меҳнат қилинишда дадла бўлиб турди. Қарабиски, натижа ҳам шунга яраша. "Зарафшон" ширкат ҳўжалиги тумандаги илгор жамоалар сафидан жой олди.

Бугун аса тамоман бошқача, - дея сўзида давом этади фермер. - Меҳнатнинг қадр топадиган, бундан ўзинг ҳам, бошқалар ҳам манфаатдор бўладиган давр. Ер, ундан олинмайдиган даромаду буромад ўзимники, демакки, келажаким, тақдирим шу ер билан боғлиқ, деб ишлайдиган пайт ҳозир. Фермер ҳўжалигимизда 70 нафар ишчимиз бор. Уларнинг барчаси мана шу ҳақиқатни англаб етишган. У агроном, инженер, механик ёки иш бошқарувчини, ҳаммаси ўз ишини билади. Вазифасини аниқ, пухта ва сифатли бажаришга ҳаракат қилди.

Урни келганда айтиб ўтай. Ҳўкуматимиз томонидан фермер ҳўжалиқларини қўллаб-қувватловчи, уларга турли шароитлар яратиб беришчи жараёни жадаллаштирувчи қатор ҳўкуқий ҳўжатлар қабул қилинмоқда. Натижада, биз каби мулкдорлар учун талайгина имкониятлар вуждга келмоқда. Мен ҳам мана шундай имкониятдан фойдаланиб, ўтган йили лизингга "МХ-135" тракторини харид қилдим.

Яна бир гап. Қаердаки моддий манфаатдорлик бўлса, ишда унмудорлик, турмушда барака олади. Шунини инобатга олган фермер ҳўжалиги ҳорий йил ҳосилидан 50 тонна галлани ишчиларга натури сифатида тарқатди. Пахта йиғим-теримида 12 миллион 787 миңг сўм маблағни теримчиликга пешма-пеш бериб берди.

Қисқа қилиб айтганда, "Ҳамидулла Курбон" фермер ҳўжалигининг бугунги фаолияти, қилаётган ишлари юртимизда олиб бораётган иқтисодий сарфаси, хўсуслан, фермерлик ҳаракати ишончини оқлаётганлигига яққол мисол бўла олади. Бўстон олинани "Шўхрат" медал билан тақдирланганлиги меҳнати муносиб эътироф этилаётганлигидан далоятдир.

У.ХОЛДОРОВА

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

Китобда нима ёзибди?

Нурмамат ака хотинига кўп гапирди: - Беш ўғлингнинг бирини ҳам китоб ўқимади. Бу аҳволда ҳаётни қандай тушунади?!

Фикри қашшоқ ҳаммасининг, дунё-қарашини тор. Қалта ўйлайди. Сен ахир тушунтирсанг-чи?! Уйда қанча китоб бор. Ҳеч бўлмаса ойига битта китоб ўқисин. Газеталар, журналлар олиб келаялман. Қўзикарли мақолалар кўп. Ҳўсис одам бўлади, ахир... - Майли, айтман, дадаси. Бошимни оғритиб юбордингиз. Телевизор кўринг. Яҳия нарса бўлаяпти, - деди хотини Саодат она...

Эртасига Нурмамат ака ўли Бахтиярни ёнига ўтиргизиб: бир соатдан кўпроқ гапирди. Роса тушунтирди. Айтман гапи қолмади. Бахтияр ўтираверди бошини эгиб. Охири қўлига тўртта китоб берди. Яна ярим соатлар одам бўлиш ҳақида сўзлади...

Нурмамат ака ҳар кўни ўғилларига панд-насихат қилди. - Китоб ўқимайсиз! Тўртта китоб бердим, қани ўқиганинг?! Угли Бахтияр тортинди деди:

- Уқидим...

- Яна ўқидим, дейсан-а?! Нимани ўқидинг?

- Уқидим, - деди яна Бахтияр мунгайибгина.

- Уқиган бўлсанг, бирон гап эсингда қолгандир?! Уқиганингдан бирон гап айт, қани Айт!

Бахтияр отасидан кўзини олиб қочиб, деди: - Китобнинг биттасида ёган экан...

- Нима деб ёзибди? Гапир! Икки соатдан бери оғзим толиб қолди. Шунча гапни деворга айтганимда, жавоб берарди. Нима деб ёзибди? А-а?

Бахтияр кўзининг ости билан қараб, деди: - Кўп гапирши қарилганинг белгиси... деб ёзибди... Нурмамат ака жим қолди.

Менгнор ОЛЛОМУРОВ

Айб кимда?

Ақрамжон меҳмондорчиликдан таъби тирриқ бўлиб қайтди.

- Ҳа-а, нима бўлди? - азмойиш қилди зийрак Холисон.

- Эслагин-чи, отам раҳматли эшикдан кириб келсанг, "дик" этиб ўрни-миздан туриб кетмасдики?

Савол бериб савол олган аёл маъқуллаб бош ираққан, нима дейишини билмай қолганлиги.

- Салимбойларникида бошқача экан-а.

- Хар оиланинг тартиби хар хил, - сўзланди "берди"сини эшитишга иштиёқ ортиб бораётган жувон.

- Лекин ота изатининг андозаси барча учун баробар бўлиши керак, хотин.

- Мундай тушунтириброк гапиринг, дадаси, тинчликми ўзи?

- Тўғриси, биров бир нима демасям жа-а хафа бўл кетдим, берган бир ҳоса оши бурнидан чиқди.

- Ичкилик бўлгандир?

- Булди. Қайфи ошган Салим отаси томонга оёқ узатиб ёнбошлаб олди. Қублаохига-я! - қуонди йигит. - Отага оёқ узатиш мумкинми?

- Ҳа-а, шунга шунчами? Отасиям ичдимми?

- Ичмасдики, ўзим, уқаларим, ота-болалар уриштириб-уриштириб роса олиши.

- Ҳамма нарсига ақлингиз етадиган сиздай одам шунга қолганда яхшироқ ўйлаб кўрмабсиз, ҳўжайин, - танбех берган бўлди Холисон. - Орадан парда қўтарилганки, ўғиллар дадаси билан арок ичади-да. Инаквейин, мен ўша болаларни сираям оқламайман, бироқ рисоладаги ота болалари билан қадаҳ уриштириб ўтираётгани...

Ақрамжон аёлининг мангиғи олдига ўйланиб қолди.

Рустамжон УММАТОВ

Таъзиядаги гап

...Худойберди бобони сўнгги йўлга қузатишаётганда кишлоқ вақили унинг тўнғич ўғли Қобилини четга имлашга чоғланди.

Бўҳоро томонларда майитни тупроққа топширишга, одатда марҳумнинг яқинларидан бири ўз уйда тобуткалар учун дастурхон ёзади. Оксоқолнинг рўпарасида Боймуродов пайдо бўлди.

-Вақил, - деди у худди ўзининг кўли остида ишловчи ҳодимга буйруқ бераётган ҳалда, - Мозор бошига Борганларни Қобилбойнингга ошга айта-си. Масаллиги Боймуродовдан, дейсиз.

Худойберди бобонинг қувви бўлиши сарвафат Боймуродовнинг бу гапини эшитиб, кишлоқ вақили унинг топши-тутиши дуруст эканини эслади. Шаҳардаги қайси бир идоранинг раҳбари, дейишди. Қобилсон эса ҳўжайинга жон. Боймуродовнинг шундай пайтда унга ёрдами бермас, қачон тегади? Аммо "Масаллиги Боймуродовники", деб айтсан дейиши галати-я...

Майитни тупроққа топширганларидан сўнг кишлоқ вақили таомилга қўра бандан овозда "Ҳамма Қобилбойникига. Масаллиги Боймуродовдан", деди. Тўпланганлар ҳўшёр тортиб, бир-бирларига зимдан қараб олишди. Бир чеккада эса чўккан қабрдек бўлиб бечоравал Қобилжон турарди.

"Масаллиги Боймуродовдан" деган гап майит устига тортилган тупроқдан ҳам оғирроқ эди.

Мошдан чиққан тош


Боқибой бозорга тушди. Қараса, бир кампир чеккада нима биландир савдо қилаёпти. Синчиқлаб кўрсан, унинг олдига мош турибди.

"Бунақалар олибсотарлик қилишмайди. Гирромликни билшмайди", деган фикр ўтиди Боқибойнинг қўнғлидан. "Мош қанчадан, момо", деди у кампирга яқинлашиб. "Бозорга энди-гина келдим, болам. Нарҳи қанақалигини ҳам билмайман", деган жавоб берди соддадил кампир.

Боқибойнинг шумлиғи тутди. "Бозорда мошини беш ош сўмдан сотишяпти. Хўп де-сангиз, ҳаммасини шу нарҳда кўтарасизга оламан", деди. Кампир кўна қолди. Тарозига тортишди. Боқибой олти килограмм мошини уч миңг сўмга олди-ю, йўлда ҳамкишлоқларига "Бозорда мошини қилоси миңг сўмдан кам эмас, мен эса тенг ярнига харид қилдим", деган мактани кетди. Бир бечоравал кампирни "чўв" туширган Боқибойга бирон "Сенда инсоф йўқ экан", демаганини қаранг.

Аммо... кечқурун оқват дастурхонга тортилган маҳал Боқибойнинг бўлари бўлди. Мош паловдан икки қўшиқ олган ҳам эдики, бир нима "қарс" этиб, қўздан олов чиқкандек туюлди. Зумда оёқ... қонга бўялди. Мошдан тош чиқиб, унинг тиши синди. Боқибойнинг дами ичига тушиб кетди. Афтидан, у мош сотган кампирга нисбатан қўлган инсофсизлиги жабрини тортиганини ҳис этаётганди.

Истам ИБРОХИМОВ



Мижоз норизо бўлмасин

Иқтисодий эркинлаштиришга сари йўл тутилган бугунги тараккият даражасида молия тизими, хўсуслан, банкларнинг молиявий ресурсларини бошқаришдаги вазифаси беқиёс-дир.

"Ғаллабанк"нинг Навойи вилояти минтақавий филиа-

Ташкент шаҳар Ҳамза туманидаги "Минҳожиддин" МЧЖга берилган 4/251/2003 рақамли ер кадастр ҳўжатлари йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "DIZAYN QURILISH SERVIS" МЧЖнинг таъсис ҳўжатлари, Уставининг ва гувоҳномасининг асл нусхалари йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

В соответствии с постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.2005 г. СП ООО "TOSHKIRANQMET" раскрывает информацию о намерении приобретения 3644 шт. простых именных безналичных акций ОАО "QURILISHMATERIALSANOATBUTLASH", расположенного по адресу г.Ташкент, ул.Миракилова, 68-а, что составляет 30,98 % от Уставного фонда общества.

Информация о намерении приобретаемых пакета акций более 15 % от Уставного фонда.

Инвестор: Мансуоров Хикмат Носирович.

Эмитент и его адрес: "ОТА QATTIQ MATERIALLAR VA ASBOBLAR" OAJX. г.Ташкент, ул.Бобура, 73.

Тип приобретаемых акций: акция простая именная безналичная.

Количество акций, которые намерен приобрести инвестор - 1 119 штук, что составляет 17,09 % от Уставного фонда.

Утерянный аттестат № 2216, выданный 16 июля 1979 года техническим училищем № 124 г.Ташкента на имя Аляровой Залифы Загидуллоуны, считать недействительным.

Утерянный круглая печать ДП "ТЕНКОМТРАДЕ" Юнусбадского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 04-01/14970 от 23.12.1992 г. права собственности на квартиру на имя Тажибаев Джурабой, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 00-22/3894 от 30.07.1996 г. права собственности на квартиру на имя Аббасову Имани Джалил оглы, считать недействительным.



Жарайн

Бугунги кўнда банк хизматининг замонавий турларидан бири бўлиши пластик карточкалардан фойдаланиш оммавийлашиб бораётди. Ушбу филалда ҳам пластик карточкалар муомалага киритилган бўлиб, 31 та ҳўжалик субъектларининг ишчи-хизматчилари билан ойлук иш ҳақларини пластик карточкаларга ўтказиш йўзида шартномалар имзолаган. Уларнинг пул маблағлари пластик карточкаларга тўлик ўтказилди. Ҳозирги вақтда 4280 дона пластик карточкалар муомалага чиқарилган бўлиб, ҳисобот даврида 391836 миңг сўмлик иш ҳақлари пластик карточкалар орқали айланмоқда.

Бугунги кўнда янги иш ўринлари яратиш, тadbиркорликни ривожлантиришда банклар томонидан ажратиладиган кредитлар муҳим аҳамият касб этди. Банк томонидан 3395,1 миллион сўмлик кредитлар тармоқлар бўйича қўйилди.

У.ХОЛДОРОВА

Қондан билган доғда қолмайди

Республикаимизда яқна тартибда тураржой биноларини қуриш тобора кенгаймоқда. Бу қувонарли, албатта. Лекин уй-жойларни лойиқлаш ва қуришда ёнғин хавфсизлиги қондаларига эид бўлган айрим ҳолатларга йўл қўйилаётди.

Бундай жойларда ёнғин содир бўлганда, олов бир уйдан иккинчисига ва ундан қўшни хонадонларга ўтиб, кўп миқдорда талафотлар қўриломоқда. Масалан, шу йилнинг 13 октябрида Қибрай тумани Унқўрган ҚФЙ "Гулистон" маҳалласи, Мевазор кўчаси, 7-уйда содир бўлган ёнғин қўшни хонадонга ўтиб, натижада икки оила катта зарар қўрган. Худди шундай ҳодиса 4 ноябрда Самарқанддаги Меҳнат кўчасида ҳам бўлди. 31-уйда чиққан ёнғин қўшни ховлига ўтиб, икки хонадонга жиддий талафот етказди.

Янада ачинарли ҳолат шу йил 26 сентябрда Қибрай тумани Дўрмон кишлоқининг Марказий кўчасида содир бўлди. 39-уйда ёнғин чиқиб, 120 кв.м. томи,

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

маган ҳолда давом этадиган бўлса, шундай ёнғинлар содир бўлмаслигига ҳеч қим қафолат бера олмади. Халқимизда "Қўза кўнда эмас, қунида синди", деган нақл бор. У бежиз айтилмаган, албатта.

Олий Маҳлис томонидан 2002 йил 4 апрелда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Қелиб чиқилиш кодекси" ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 апрелдаги "Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни тақомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мутасадди идоралар учун мажбурийдир. Юқорида айтиб ўтилган ёнғин хавфсизлиги қондалари ва талабларига амал қилинмасдан қурилган уй-жойлардаги қамчиликларни бартараф этиш ўзисидан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан маҳаллий ҳўқимликлар ва бошқа идораларга тақдимномалар киритилиши зарур.

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси муҳандиси, милиция капитани

